

---

Фурқат тумани мезбонлигида вилоятимизнинг шаҳар ва туманлари ўртасида спортнинг қўл жанги тури бўйича "Фурқат тумани ҳокими кубоги" мусобақаси ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 30 йиллиги муносабати билан болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг Қўл жанги тури бўйича "Фурқат тумани ҳокими кубоги" мусобақаси ўтказилди.

Янги маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 37-мактаб спорт залида ўтказилган мусобақада туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов бошчилигида секторлар раҳбарлари, спортчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Туман ҳокими ёшларга "Инсоннинг ўзига бўлган ишончи ортишида спортнинг ўрни бекиёс. Спортга ошно бўлган инсон ҳеч ҳам ортда қолмайди", дея ёш спортчиларга омад тилади.

Фурқат тумани мезбонлигида ўтган мусобақада вилоятимизнинг Қўқон, Фарғона шаҳарлари, Қува, Риштон ва Ўзбекистон туманларидан келган 10-18 ёш, 18 ёшдан катта ёшлардан иборат 100 нафардан зиёд ўсмирлар куч синашдилар.

Мусобақада ғолиб бўлган спортчилар туман ҳокимлиги ва ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими томонидан диплом, медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

2022-12-07 18:49:18